

2026 йил 30 январь, 20-сон

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ БАРЧА ДАРАЖАЛАРДА ЮҚОРИ СУРЪАТ ВА ФАОЛ МУЛОҚОТЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Икки мамлакат ўртасида ҳафтасига 100 га яқин авиақатнов амалга оширилмоқда. Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида 9 миллиард долларлик лойиҳалар портфели шакллантирилган.

Кенгаш йиғилишларини мунтазам равишда ўтказиш, Ҳукуматлараро комиссия ва Стратегик режалаштириш гуруҳи механизмларидан самарали фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиёти давом эттирилади.

Етакчилар савдо ҳажмини, шу жумладан, Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар турини кенгайтириш, устувор иқтисодий тармоқларда саноат кооперациясини мустаҳкамлаш орқали 5 миллиард долларга етказишга келишиб олдилар.

Шунингдек, маданий ва гуманитар алмашинувлари янада кенгайтиришга, хусусан, биргаликда театр ва кино ҳафталиклари, бадиий кўргазмаларни ўтказиш ҳамда зиёрат туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Кенгаш йиғилиши якунларидан келиб чиқиб, икки мамлакат ҳукуматлари томонидан эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш

бўйича кенг қамровли “йўл харитаси” қабул қилиниши таъкидланди.

Анқара шахрига расмий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Хатай вилоятида мамлакатимиз томонидан барпо этилган “Ўзбекистон” турар жой мажмуасининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

Тадбирда давлатимиз раҳбари уч йил олдин содир бўлган вайронкор зилзила қардош турк халқи учун оғир синов бўлганини таъкидлади. Ўзбекистон ушбу фожиали даврнинг дастлабки кунлариданоқ Туркияга ҳар томонлама ёрдам кўрсата бошлади.

Қисқа фурсатда 100 нафар ўзбекистонлик кутқарувчи ва 70 нафар тиббиёт ходими фалокат содир бўлган ҳудудга етиб борди. Қидирув-қутқарув ишлари натижасида 18 киши қутқарилди, 200 нафарга яқин жабрланганлар вайроналар остидан чиқарилди. Дала шифохонаси 4 минг нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатди.

Президент Режеп Таййип Эрдоған ташаббуси билан зилзила оқибатларини бартараф этиш бўйича кенг кўламли дастурлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди. Бугунги кунга қадар мамлакатда 455 мингдан ортиқ уй-жой қурилди.

Ўзбекистон, ўз навбатида, қисқа муддатларда Хатай вилоятининг Арсуз туманида 300 дан зиёд тўлиқ жиҳозланган

хонадон, жами 24 та кўп қаватли уйдан иборат барча зарур инфратузилмага эга замонавий турар жой мажмуасини барпо этди.

Туркия Президенти ушбу мажмуа нафақат жабрланган оилалар учун янги уй, балки ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги абадий дўстлиkning ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Етакчилар лойиҳани амалга оширишда иштирок этган қурувчилар, муҳандислар, ишчилар ва барча ҳамкорларга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Давлат раҳбарлари янги хонадонлар калитларини уларнинг эгаларига тانتанали равишда топширдилар.

Шунингдек, Президентлар Истанбулнинг Бекиркёй туманида ўзбек мактаби қурилишини бошлаб бердилар. Мазкур даргоҳ Ўзбекистоннинг хориждаги биринчи таълим муассасаси бўлади.

Янги ўқув маскани Туркияда яшовчи ўзбек оилаларининг фарзандларига ўз она тилида таълим олиши билан бирга миллий қадриятлар, маданият ва анъаналарни сақлаб қолиш имконини беради.

Томонлар ушбу мактаб икки қардош халқ ўртасидаги ришталар янада мустақкам бўлишига хизмат қилиши, ёш авлод учун муҳим таълим ва тарбия марказига айланишига ишонч билдирдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига расмий ташрифи якунланди.

ЎЗА

ЮКСАК ЭҲТИРОМ РАМЗИ ВА ФАХР ТҮЙҒУСИ

Бошланиши 1-бетда

“Шубҳасиз, сўнги йилларда Анқара-Тошкент геосиёсий ўқи Евросиёи миқёсида стратегик мувофиқлаштирув линиясига айланди ва мазкур минтақанинг юксалишида муҳим ўрин тутмоқда. 2016-2026 йиллардаги давр ушбу янги жараён учун мустақкам пойдевор яратди. Президент Мирзиёевнинг Туркияга ташрифи мавжуд кенг қамровли стратегик шериклиқни янада мустақкамлашда тарихий аҳамиятга эга”, дейилади мақолада.



Меҳмет Сейфеттин Эрол Шавкат Мирзиёев феноменига ҳурмат билан тўхталар экан, жумладан, “Янги Ўзбекистон” тушунчаси, биринчи навбатда, ўз тамаддун тарихини чуқур идорк этиш, теран тажрибага асосланган давлатчиликни жонлантиришни аниглади ва бу тасавурни Ўзбекистонга жаноб Шавкат Мирзиёев олиб келди. Ушбу концепция ички сиёсатдаги ўзгаришлар ва инсон қадрини рўёбга чиқаришга қаратилган ислохотлар билангина чекланган эмас. Зеро, бизлар янги даврда минтақавийликдан глобаллик сари илдамлаб бораётган, геосиёсий мавқеи ва стратегик имкониятлари билан тобора ажралиб тураётган Ўзбекистон воқеалигига дуч келмоқдамиз”, дейди.

Туркиянинг яна бир нуфузли наشري — “Sabah” газетасида Туркия Буюк Миллат Мажлисининг Ўзбекистон-Туркия Дўстлик гуруҳи раиси Осман Местеннинг қуйидаги фикрлари ҳам эътиборга молик: “Ўзбекистонда бўлган вақтимидаги кузатишларимиза асосланиб, бир нарсани аниқ айтма олам: Бузунги Ўзбекистон 10 йил аввалгидан бутунлай фарқ қилади. Жаноб

Шавкат Мирзиёев томонидан бошланган “Янги Ўзбекистон” гоёси таъсирини ҳамма жойда кўришингиз мумкин. Буюк ва чуқур тарихий пойдеворлар устида юксалаётган мамлакатга гувоҳ бўлмоқдамиз”.

Осман Местен Ўзбекистон заминидан бўй бераётган Учинчи Ренессанс нишонларини ҳақида ҳам ҳаяжон билан гапирган: “X ва XII асрларда Биринчи Ренессанс, XV асрда эса Иккинчи Ренессансга мезбонлик қилган ҳозирги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанснинг нишонлари юзага чиқмоқда. Ушбу тасаввур ҳар бир соҳада чуқур ва жадал равишда инновацияларни амалга оширишга, технологиялар билан ҳамқадм бўлишга, оддий фуқароларнинг фаровонлигини ошириш учун иқтисодиётни ривожлантиришга ва тарихда бўлгани каби билим ва тафаккурга асосланган цивилизацияни бунёд этишга қаратилган”.

Олий даражадаги ташриф арафасида Туркияда иқтисодий йўналишда катта таъсирга эга “Ekonomi” газетаси ҳам Ўзбекистон ва Президент Шавкат Мирзиёев ҳақида қатор мақолалар чоп этди.

Жумладан, Туркия савдо вазири ўмер Болат “Ўзбекистон билан биргаликда буюк мақсадларимиз сари босқичма-босқич бормоқдамиз” номли мақолисида “Биз Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий соҳалардаги шериклигимизни ривожлантиришга катта аҳамият берамиз, ушбу қардош мамлакат билан ҳамкорлигимиз ўзаро манфаатлилик тамойилига асосланган ва ҳар томонлама стратегик шериклик даражасидаги муносабатларни ривожлантиришда давом этавиш”, дейди.

Туркия Ташқи иқтисодий алоқалар кенгашининг Ўзбекистон-Туркия кенгаши раиси ўзгур ўнур ўзгүвеннинг “10 миллиард долларлик мақсад учун қўшимча қийматга эга бизнес шерикликлари ажралиб туради” деб номланган мақолисида кейинги йилларда Ўзбекистонда маиший кимё соҳасида истеъмол товарлари

ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилаётгани, Туркия катта тажрибага эга бўлган бу соҳада қўшма ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш икки мамлакат ўртасида чуқурроқ интеграцияга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ёзади.

“Business Turk” наشري бош мақола сифатида Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) Оқсозқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдиримнинг “Ўзбекистон ва Туркия: умумий тарихдан муштарак келажак сари” мақоласини чоп этди.

“Сўнги йилларда Ўзбекистонни кўп зиёрат қилган шахс сифатида жойлардаги ислохотлар таъсири шахрларнинг ривожланиши, давлат сектори фаолиятини, бизнес олами динамикаси ва энг муҳими, жамоатчиликнинг келажакка қарашларида яққол сезилаётганини эътироф этмоқчиман. Ҳар гал борганимизда янада тартибли, янада ривожланган ва янада кучли Ўзбекистонга дуч келаман. Бу ўзгаришлар нафақат инфратузилмавий имкониятларда, балки жамиятнинг умумий кайфияти ва келажакка интилишида ҳам яққол кўриниб турибди. Ислохотларнинг энг юқори даражада қатъият билан амалга оширилаётгани — муваффақиятнинг энг муҳим сабаби.

Жаноб Шавкат Мирзиёевнинг ислохотчилик кайфияти Ўзбекистоннинг ўзи билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ушбу ислохотларнинг узлуксизлиги нафақат мамлакатдаги тараққиёт, балки бутун минтақадаги барқарорлик ва умумий ривожланиш тенденциясига асос бўлмоқда”, дея барчамизни қувонтирди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз етакчилигини Туркияга расмий ташрифи нафақат қардош мамлакат оммавий ахборот воситаларида кўтаринки, самимий ва дўстона руҳда ёритилмоқда, юқорида айтганимиздек, халқаро миқёсда ҳам алоҳида катта қизиқиш билан кузатиб боришмоқда.

Улуғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Сайит ЮСУФ: “ЎЗБЕКИСТОН ТУРКСОЙ ФАОЛИЯТИГА ЯНГИ ҲАЁТ БАҒИШЛАДИ”

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида тарихий ислохотларни амалга ошираётгани, очик, амалий ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантиришга катта аҳамият бераётгани диққатга сазовор. Ўзбекистоннинг, жумладан, туркий халқлар билан алоқалари янги босқичга кўтарилгани нафақат Марказий Осиёда, балки бутун туркий дунёда мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланишига катта туртки берди. Бинобарин, бизнинг тарихий ўтмишимиз бир бўлгани каби порлоқ келажакимиз ҳам фақат бирлик ва ҳамжиҳатлик, янги ижодий ютуқлар билан муштарак цивилизацияимизни ривожлантириш орқали бунёд этилади. Бугунги кунда бутун инсоният балки ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ айнан мана шундай бирликка муҳтождир.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашда Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙнинг ўрни ва аҳамияти катта. Ўзбекистон мазкур нуфузли



“Туркий дунёнинг сиёсат, илм-фан, тиббиёт, адабиёт ва санъат соҳаларида улкан ютуқларга эришган намоёндаларини рағбатлантириш мақсадида буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилгани маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

ташкилот таъсисчиларидан бири ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг топширигига асосан, мамлакат 2022 йилдан эътиборан ТУРКСОЙни юксак даражада қўллаб-қувватлаш орқали фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Шу тариқа Ўзбекистон ТУРКСОЙ фаолиятига янгича руҳ бағишлади. Бугун ташкилот доирасидаги ҳар бир лойиҳада ўзбек халқининг бой маданияти, санъати, анъаналари ва меҳмондўстлик фазилатлари яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда туркий мамлакатлар маданияти ва санъати кунлари, ёшлар ва театр фестиваллари, ижодий форумлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ташкилот доирасидаги илмий-маърифий анжуманлар, туркий тиллар ва адабиётлари ривожига бағишланган халқаро

конференциялар, маданий тадбирлар ва лойиҳаларда Ўзбекистон вакиллари фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистоннинг бренди даражасига кўтарилган Халқаро баҳишчилик санъати фестивали, Халқаро мақом санъати анжумани, “Шарқ тароналари” фестивали, “Лағзи” халқаро фестивалида ТУРКСОЙ фаол иштирок этмоқда. Ташкилотимиз томонидан ўзбек халқининг буюк шоир ва мутафаккирлари, тарихий шахслари таваллуд саналари кенг нишонланмоқда.

Ўзбекистонда ТУРКСОЙнинг 30 йиллиги жуда катта тантана сифатида нишонланди.

Туркий дунёнинг сиёсат, илм-фан, тиббиёт, адабиёт ва санъат соҳаларида улкан ютуқларга эришган намоёндаларини рағбатлантириш мақсадида буюк шоир ва

мутафаккир Мир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилгани маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликда ҳар йили туркий давлатлардаги шахарлардан бирининг “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилиниши энг гўзал анъаналаримиздан бири

ҳисобланади. Бу ана шу шахар тисмолида ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослиги, маданияти, санъати, қадриятларини халқаро миқёсда янада кенг намоиш этишга катта туртки беради. 2021 йилда Ўзбекистоннинг Хива шаҳри “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилинган эди. Жорий йилда Андижон шаҳри шундай юксак мақомга эга бўлди. Шу маънода, 2026 йилда ТУРКСОЙ фаолиятининг муҳим қисми Ўзбекистон билан боғлиқ бўлади.

Ўтган йили Қўқон шаҳри “Туркий дунёнинг ҳунармандлари шаҳри” деган эътирофга сазовор бўлди.

ТУРКСОЙ Бош котибиятида ҳар бир аъзо давлатнинг вакили фаолият кўрсатади. Бизни қувонтирган яна бир жиҳати, ниҳоят ўтган йили Бош котибиятимизда илк бор Ўзбекистон вакили расман фаолиятини бошлади. Бу ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонамиз.

Ўзбекистон етакчилисининг ТУРКСОЙ фаолиятига доимо эътибор билан қарашни бизга катта мамнуният бағишлайди. Жумладан, ТУРКСОЙ ташкилотининг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда ўтказилган маданият кунлари иштирокчиларига йўлаган табригиде Шавкат Мирзиёев “Биз азалдан тарихи, тили ва дини, урф-одат ва анъаналари,

“Ўзбекистоннинг туркий дунёда тутган ўрни нафақат бой тарихий мерос, балки порлоқ келажакка қаратилган стратегик эзгу интилишлар билан белгиланади. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган Учинчи Ренессанс гоёси ва ТУРКСОЙ доирасидаги янгиланишлар қардош халқларимизнинг маънавий бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

бугунги орзу-интилишлари муштарак бўлган халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашда ТУРКСОЙнинг улкан ўрни ҳамда аҳамияти борлигини миннатдорлик билан эътироф этамиш”, дея таъкидлаган эди.




Шавкат Мирзиёев ТУРКСОЙ фаолиятини ривожлантириш борасида ҳам тақдирларини илгари суриб келмоқда. Хусусан, Туркий давлатлар ташкилотининг 2025 йил 21 май куни Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммитида Ўзбекистон раҳбари давлатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорлиқни ривожлантиришда Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ алоҳида ўринга эга эканини эътироф этиб, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини янги босқичга олиб чиқиш ва ТУРКСОЙнинг нуфузини янада ошириш учун унинг фаолияти ва тузилмасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш зарурлигини билдирди. Шу асосда Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўтган йили 7 октябрда Озарбайжоннинг Габола шаҳрида бўлиб ўтган 12-йиғилишида “Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Ҳозирги вақтда ТУРКСОЙ Бош котибияти ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида аъзо давлатлар билан биргаликда фаол ишламоқда.

2025 йил якунланиши арафасида яна бир қувончли воқеа гувоҳи бўлдик. Ноябрь ойида Ўзбекистондаги ислом цивилизациясини марказида Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон Президентлари иштирокида “Келажак мероси” халқаро мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Биз учун аҳамиятли жиҳати, ушбу нуфузли мукофотнинг илк соҳиблари қаторида ТУРКСОЙ Бош котиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси Султон Раев “адабиёт” номинациясида тақдирланди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг туркий дунёда тутган ўрни нафақат бой тарихий мерос, балки порлоқ келажакка қаратилган стратегик эзгу интилишлар билан белгиланади. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган Учинчи Ренессанс гоёси ва ТУРКСОЙ доирасидаги янгиланишлар қардош халқларимизнинг маънавий бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аждодлар шарафи ва авлодлар соадати йўлидаги бундай ҳамжиҳатлик туркий цивилизациянинг жаҳон майдонидаги нуфузини янада юксалтириши шубҳасиз. Ўзбекистон эса ўзининг илмий-маданий салоҳияти билан туркий оламнинг маънавий юрғати бўлиб қолаверад.

“Дунё” АА
Анқара шаҳри



ДАВР НАФАСИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Жонажон Ватанимиз бугун янгича сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий муносабатлар асосида яшаб, меҳнат қилаётган, мустақил фикрлайдиган, озод ва эркин инсонлар диёрига айланмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Буюк ўзбек йўли

ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — СТРАТЕГИК ЭХТИЁЖ



Шухрат ОРИПОВ,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
тадқиқотчиси

Рўёбга чиқаётган
тамойил

Янги Ўзбекистон кейинги тўққиз йилда мустақил тараққиётнинг катта довоини бо-
сиб ўтди. Иқтисодий-маънавий янгидан шаклланди,
бозор муносабатлари кенгайтирилди, қонун
устуворлиги мустаҳкамланди. Энг муҳими,
халқимизнинг кўп йиллик орзу-умидларини
ўзида ифодалаган янги Ўзбекистонни барпо
этишнинг маънавий-ҳуқуқий асослари яратил-
ди. 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган умумхалқ
референдуми аjoyиб натижаларига мувофиқ,
янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинди. Мазкур тари-
хий ислохотнинг асосий ҳолати сифатида ил-
гари мавжуд бўлган “давлат — жамият — шахс”
парадигмаси янги “инсон — жамият — давлат”
тамойилига ўзгарди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва
Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси худди
мана шу тамойилни рўёбга чиқаришга қаратил-
ган бунёдкор гояларни ўзида жамлаган страте-
гик ҳаритадир. Мурожаатномада белгиланган
улғувор марралар ва янграган қаҳриқлар
янги Ўзбекистонни барпо этишда ҳал қилувчи
босқичга қадам қўйишда янги аниқлашти-
рилди.

Кейинги йиллардаги ислохотлар силсиласи-
дан юртимизда “Инсон — жамият — давлат”
тамойили мустаҳкам қарор топиб бораёт-
ганини аниқлаш қийин эмас. Дарҳақиқат, қайси
соҳада бўлмасин, ҳозир бераётган ҳар бир тари-
хий янгиланиш моҳиятида инсонни қадрлаш,
жамиятни ҳаққига келтириш ва давлатнинг
қудратини янада ошириш мақсади муҳасам.

Хусусан, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий
давлат” гояси конституциявий ҳолати сифатида
муҳрланди. Бу билан инсоннинг олий қадрияти
унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қим-
мати экани белгиланди. Шунингдек, охириги
беш-олти йилда Бош қонунимизда белгиланган
ижтимоий давлатнинг асосий талаблари ҳаётга
ичил татбиқ этилди.

Сифатли таълим, малакали тиббий хиз-
мат, кучли ижтимоий ҳимоя, муҳтожларнинг
уй-жойга эҳтиёжини қоплаш, бандлигини таъ-
минлаш, хавфсиз меҳнат шартини яратиш,
камбағалликни қисқартириш борасидаги кенг
қўлланли сай-ҳаракатлар ижтимоий давлат
моделининг амалий ифодасидир.

Бу манзилли ислохотлар, биринчидан, та-
раққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган
инсонни, унинг онг-тафаккури ва ролини ўз-
гартирмоқда. Президентимиз таъкидлагани-
дек, “**Биз ислохотларни аниқ амалий нати-
жага айлантиришни ўрганимиз.**”

Иккинчидан, жамиятимизда ҳамжиҳатлик
муҳити, бунёдкорлик руҳи ҳукм сурмоқда. Бир-
гана 2025 йилда 5 миллион фуқаро даромадли
бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9
фоизга тушди. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд
шахс камбағалликдан чиқди, илк бор 1435
маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга ай-
ланди. Камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 5,8
фоизга тушди.

Учинчидан, давлатимиз салохияти ошиб,
илгари тасаввур ҳам қилиш қийин бўлган
оламшумул марраларга эришилмоқда. Ўтган
йили тарихимизда биринчи марта ялпи ички
маҳсулот ҳажми 145 миллиард доллардан
ошди. Жаҳон банки юридагидан Давлатлар-
нинг теҳнологик етуклиги индексига Ўзбекис-
тон 71 поғона юқори кўтарилиб, етакчи 10 та
мамлакат қаторидан жой олди.

Мана шу амалий натижаларнинг ўзидек янги
Ўзбекистон гояси амалда қудратли ҳаракатга
айланганини кўрсатади. Мурожаатнома шу каби
ҳаётий ҳақиқатларни аниқ мисоллар орқали
ифода этгани, жамиятимизга ҳаёتبаш гояларни
олиб қираётгани ва халқимизни янги марраларга
руҳлантиргани билан янада аҳамиятлидир.

Нега айнан бугун?

2026 йилга берилган номда келгуси тараққи-
ётимиз формуласи акс этгандек — “**Маҳаллани
ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш
йили.**”

“Маҳаллани ривожлантириш” гояси бир-
мунча тушунарли ва таниш. Ўзбек давлатчи-
лиги асрлар давомида ноёб бошқарув шакли
бўлган маҳалла билан узвий боғлиқликда ва бу
таълимнинг асоси бўлган бирдамлик, меҳр-оқи-
бат, жамоавийлик каби қадриятлар таъсирида

ривожланиб келган. Маҳалла ривожланса,
мамлакат обод бўлиши бор гап. Бу ҳаёт фалса-
фаси орқича исботга муҳтож эмас. Мурожаат-
номада ҳам мамлакатимиз ривожланишининг
бугунги босқичида маҳалла институтининг
ўрни ва бекиёс аҳамияти кенг очиб берилди.

Йил номидаги “жамиятни юксалтириш”
гояси алоҳида эътиборга молик. “Инсон — жа-
мият — давлат” тараққиёт занжирининг ажрал-
мас бўғини бўлган жамиятни қандай юксалти-
риш мумкин? Бунга эҳтиёж борми? Нима учун
бу гоя айнан бугун юзга чиқмоқда?

Шу каби саволлар туғилиши ва ҳар бир уйғоқ
одамни безовта қилиши табиий. Минг йиллар
давомида кўп мутафаккирлар ҳам бу саволлар-
га ўзича жавоб излаган. Буюк аждодимиз Абу
Наср Форобийнинг жамият ҳақидаги қарашлари
қизиқ. У ўз фалсафий концепцияси асосида ин-
сонларнинг бахт-саодатга эришиши учун ҳар бир
аъзосининг касб-корига мувофиқ, ўзаро ҳамкор-
ликда яшашини назарда тутадиган идеал, фозил
жамият ва шахарни тушунтиради. Форобийнинг
фикрича, адолат ўрнатилган жамиятга инсон-
лар талабига мос келади. Бундай жамиятда одам-
лар ўзаро ёрдамлашиб, ҳар бири ўзининг вазифа-
сини бажариши орқали умумий ривожланишга
ҳисса қўшади ва мукамалликка эришади. У жа-
миятни инсон организмига ўхшатади. Бу ерда ҳар
бир аъзо ўз вазифасини бажарса, бутун организм
соғлом бўлади.

Форобийнинг бу гояси кейинги даврларда
Шарқ ва Европа фалсафасига ҳам катта таъ-
сир кўрсатган. Хусусан, маърифатпарварлик
давридаги ижтимоий таълимотлар, XIX-XX
аср бошларидаги тадқиқотларда жамият худди
механизм ёки биологик организмга ўхшаш ва
ҳатто уларга тенг бўлган яхлитлик сифатида
таъсирланиди.

Башарият ривожининг турли даврларда
олимлار ички ва ташқи ўзгаришлар шароити-
да самарали ишлаётгани ва ривожланадиган
барқарор жамиятнинг кўрилишини белгилан-
ган, ижтимоий тизимни барқарорлаштириш
омиллари ва механизмларини аниқлашга урин-
ди. XX аср охирида барқарор жамият ва барқа-
рор тараққиёт гоялари Рио-де-Жанейро (1992
йил) ва Копенгагенда (1995 йил) бўлиб ўтган
нуфузли халқаро форумларда эътироф этилди.

Президентимиз илгари сурган “жамиятни юк-
салтириш” гоясига ҳам жамиятнинг мисоли тирик
организм сифатида узвий ҳаракатда ва барқарор
саклашга стратегик эҳтиёж сифатида ёндашиш
лозим. Бошқича айтганда, бугун жамиятни юк-
салтириш зарурати тасодифий эмас, балки объек-
тив ижтимоий қонунлар билан боғлиқ.
Глобаллашув, рақамли трансформация, ахборот
оқимининг кескин ортиши ва ижтимоий мурак-
каблиқлар инсоннинг фақат моддий эмас, балки
ижтимоий адолат, хавфсизлик, ишонч ва маъна-
вий барқарорликка талабини кучайтирмоқда.

Дунёда кучайиб бораётган сиёсий мавжум-
лик, кўп йиллик жаҳон тартибсизлик пугур
етиши оқибатида суверен демократик давлат-
лар учун янги, аввал кузатилмаган таҳдидлар
пайдо бўлмоқда. Бу эса ҳар бир давлатдан ўз
тараққиёт стратегияларини жиҳиди таҳлил қи-
либ, уларга тегишли ўзгаришлар киритишни
тақозо этмоқда. “Ўзбекистон — 2030” страте-
гияси такомиллашгаётгани ҳам айнан шу ғав-
улда омиллари билан боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари раислигида яқинда
ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгай-
тирилган йилгишларида замонавий хавф ва таҳ-
дидларнинг мазмунини ҳам, қўламини ҳам кундан
кунга ўзгариб бораётгани, мудофаа ва хавф-
сизлик соҳаси олдига катта вазифалар қўйи-
лган таъкидланди. Саккиз йил олдин қабул
қилинган Мудофаа доктринаси ҳамда 1997
йилдаги Миллий хавфсизлик концепциясини
қайта қўриб чиқиш вақти келгани айтилди.

Мураккаб давримизнинг ана шундай ўткир
талабларидан келиб чиқиб, “Инсон — жамият —
давлат” тараққиёт концепциясини ҳам янада та-
комиллаштириш ва уни амалга оширишга доир янги
ёндашувларни ишлаб чиқиш лозим. Хусусан,
бу концепция тизимида жамиятнинг ролини ошириш
ва жамиятни ҳаракатдаги организм сифатида ком-
плекс ривожлантириш мақсада мувофиқ.

“Жамиятни юксалтириш” гояси орқали
қатор ўткир қаҳриқлар кун тартибига олиб
чиқилмоқда.

Биринчидан, жамиятимизнинг ҳозирги са-
лоҳияти билан замонавий таҳдидларга қарши
туриб бўлмаслиги билдирилмоқда.
Янги Ўзбекистонда инсон капитали учун
катта ресурслар сафарбар қилинмоқда. Таълим,
соғлиқни сақлаш, аҳоли бандлиги соҳасидаги
амалий натижалар салмоқли. Мамлакатимиз-
нинг имкониятлари ҳам йилдан йилга ошиб,
улкан марралар забт этилмоқда. Навбатдаги
босқичда энди жамиятимиз ҳам қудратли кучга
айланиши ва барча ислохотларнинг мотиватори
бўлиши лозим. Бунга эса жамиятимизнинг
қон томири бўлган маҳаллани ривожлантириш
орқали эришилади.

Иккинчидан, бугунги таҳликали дунёда
миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик ҳар қачон-
гидан долзарб аҳамият касб этаятир.



Давлатимиз раҳбари бу масаланинг ечимини
жамиятни юксалтиришда кўрмоқда. “**Биз
учун ҳозирги глобал тараққиёт даврида,
дунёда ўта кескин ва таҳликали жараёнлар
юз бераётган бугунги кунда миллий бирлик
ниҳоятда муҳим ва зарур. Бир бўласак, я-
но халқ, ягона миллат бўлиб олган интиласак,
қўзлаган улкан мақсадларимизга албатта
етамиз!**” деди Президентимиз.

Учинчидан, жамият ривожини инсон
ва давлатнинг ривожига эришиб бўлмаслиги
ҳақида бонг урилмоқда. Инсон жамиятда ҳа-
ракатланади ва шаклланади. Ўндаги ижобий ёки
салбий ўзгаришлар, тафаккур эврилишлари,
энг аввало, жамиятга акс этади. Давлат ҳам бе-
восита жамиятдаги қадриятлар ва муносабат-
лар таъсирида ривожланади. Масалан, жамият-
да таълим сифати паст бўлса, ёшлар бандлиги
таъминланмаса, муаммолар ўз вақтида ҳал
этилмаса, ижтимоий тараққиёт ўз-ўзидан се-
кинлашади. Жамиятнинг барқарорлиги давлат
барқарорлигининг қоғалатидир.

Бир сўз билан айтганда, “жамиятни юксал-
тириш” гоясининг бутун амалий ҳаракатлар
марказига чиқаётгани ва 2026 йилда Ўзбекистон
ривожланишининг устувор йўналишидан бири
этиб белгилангани тасодиф эмас. Тараққиётчи-
ликнинг наватбати босқичида ушбу гоя инсон
ва давлатнинг уйғун фаолиятига эришишнинг
асосий шарти сифатида юзга чиқмоқда.

Жамият қандай юксалади?

Жаҳонда тат олганган илмий таълимотлар-
да жамият ривожига доир хилма-хил қарашлар
мавжуд. Файласуфлар ва фикр эгалари бу борада
турлича йўللари тасвир этади. Бугунги глобал-
лашув шароитида жамиятни юксалтириш маса-
ласига фақат иқтисодий ўсиш билан эмас, балки
ижтимоий адолат, фуқаролик фаолияти, таълим
сифати ва ишончли институтлар билан бевосита
боғлиқ ҳолда қаралмоқда. Ривожланган давлат-
лар таърифида барқарор жамият — давлат, жа-
мият ва шахс ўртасидаги мувозанатли ҳамкорлик
маҳсули эканини кўрсатади.

Жамият қуйидаги асосий омиллари уйғунли-
гида ривожланади:

— инсон капитали: таълим, илм-фан ва касбий салоҳиятини юксалтириш;

— ижтимоий институтлар: маҳалла, оила, таълим ва фуқаролик жамиятининг самарали фаолияти;

— қонун устуворлиги ва адолат: барча учун тенг қондалар ва шаффоф бошқарув;

— фаол фуқаролик позицияси: жамият ҳаё-
тида бефарқлик эмас, иштирок маданиятининг шаклланиши.

Ривожланган жамиятда давлат “ҳамма нарса-
ни ҳал қилувчи” эмас, балки шароит ярату-
вчи институт сифатида майдонга чиқади, фуқаро
эса ижтимоий жараёнларнинг фаол субъектига
айланади.

Халқаро таърибада жамиятни юксалти-
ришга доир турли моделлар мавжуд. Бироқ
уларни бирлаштириб турувчи умумий жиҳат
бор — инсон капиталига инвестиция киритиш.
Келинг, уларнинг баъзиларини кўриб чиқайлик.

Скандинавия моделида жамиятнинг юк-
салиши ижтимоий тенглик, кучли таълим ва
фуқаролар ишончи орқали таъминланган. Бу
мамлакатлар жамиятни юксалтиришда “фиро-
вонлик давлати” моделини муваффақиятли
қўллаб келмоқда. Скандинавия моделида: бе-
пул ёки арзон таълим ва соғлиқни сақлаш ти-
зими; кучли ижтимоий ҳимоя механизми; давлат
қарорларида фуқароларнинг иштироки
кенг йўлга қўйилган.

Натيجида бу давлатлар халқаро рейтинглар-
да ижтимоий ишонч, бахт ва ҳаёт сифати бўйи-
ча доимий етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда.
Энг муҳим жиҳати — жамиятда “давлат менга
хизмат қилади” деган тушулча шаклланган.

Японияда жамоавий масъулият, интизом ва
маънавий қадриятлар ижтимоий барқарорлик-
ни мустаҳкамлаган. Уларда маҳалла ва жамоа
даражасида: аҳоли худудини тозалаш, тартибни
саклашда кўнгилли иштирок этади; кексалар-
га ҳурмат ва ёшларни тарбиялашга ижтимоий
норма сифатида қаралади; таълим тизимида
фақат билим эмас, балки ҳуш-аъво ва масъ-
улият ҳам шакллантирилади.

Кунчиқар давлат таърибасидан шуни ан-
лаш мумкинки, жамият юксалиши учун катта
маблагдан кўра маданий интизом ва умумий
қадриятлар муҳим.

Сингапур модели самарали бошқарув ва
қонун устуворлигига таянади. Қисқа муддатда
жамиятни юксалтиришда мислсиз натижалар-
га эришган бу мамлакатда ижтимоий тартиб,
хавфсизлик ва ҳаёт сифати юқори даражада
таъминланган. Қонун устуворлиги ва корруп-
цияга мутлақо мурокасиз муносабат, сифатли
шаҳарсозлик ва уй-жой сиёсати (аҳолининг
катта қисми давлат қурган уй-жойларда яшай-
ди), давлат хизматларининг оқиллиги ва тез-
корлиги Сингапур муваффақиятининг асосий
омиллари.

Германияда эса касбий таълим, фуқаролик
жамияти ва маҳаллий бошқарув жамият та-
раққиётининг таянчига айланган. Бу моделда
жамиятни юксалтиришда фуқаролик жамияти
институтлари ва дуал таълим тизими усту-
ворлик берилади. Бу модель бандлигини оши-
риш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкам-
лашга хизмат қилмоқда. Маҳаллий бошқарув
органлари аҳолига энг яқин институт сифатида
ишлайди.

Ривожланган давлатлар таърибаси жамият-
ни юксалтиришнинг универсал рецепти йўқли-
гидан дарак беради. Бироқ умумий тамойиллар
мавжуд. Инсон қадрини устун қўйиш, маҳалла
ва жамоани ривожлантириш, адолатли бошқа-
рув ва қонун устуворлиги, таълим ва тарбияга
сармоя йўналтириш шулار жумласидан.

Муваффақиятли моделлар жамиятни юксал-
тириш учун фақат иқтисодий ўсиш эмас, балки
ижтимоий онг ва маданиятни ривожлантириш
ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрса-
тади. Ўзбекистоннинг жамиятни юксалтириш
моделли ўзига хос ва ноёб. “Инсон қадри учун,
инсон ҳаёти учун” гояси, “Халқимиз эртага
ёки ақин келажакда эмас, бугун бахтли яшашга
керак” тамойили бугун биз танилган буюк йўл-
нинг асосидир.

Сўнги 9 йилда мамлакатимиз жамиятни
ривожлантиришнинг илгор халқаро таъриба-
ларини миллий қадриятлар билан уйғунлашти-
риб, барқарор натижаларга эришмоқда. Энг
муҳими, бугун бу ютуқларни ҳар бир юртдо-
шимиз ўз ҳаётида чуқур ҳис қилмоқда. Аждо-
ларимиз орзу қилиб, курашиб ўтган жамият —
инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, кучли ижтимоий
ҳимоя, сифатли таълим ва тиббий хизмат қабо-
лланган, қонун устуворлиги, ижтимоий адо-
лат ва хусусий мулк дахлсизлиги таъминланган
янги Ўзбекистон жамияти сари дадил қадамлар
қўйилмоқда.

**Ҳаммаси мустаҳкам
заминга эга**

Мурожаатномада бугунги ва эрта-
миз учун муҳим янги гоя ва аниқ ҳисоб-китоблар-
га асосланган ташаббуслар илгари сурилди.
Хусусан, унда жамиятни ривожлантиришнинг

қуйидаги устувор йўналишлари яққол кўзга
ташланади:

— инсон қадрини улуғлаш — барча ис-
лохотларнинг марказига инсон манфатини
қўйиш;

— маҳалланинг ролини кучайтириш —
жамият муаммоларини энг қуйи бўғинда ҳал
этиш;

— ёшлар ва аёллар фаоллигини ошириш —
таълим, бандлик ва тадбиркорлик орқали;

— очиқ ва халқчил давлат бошқаруви —
давлат органларининг халққа хизмат қилиши.

Бу гоялар жамиятни маъмурий босим орқа-
ли эмас, балки ишонч ва ҳамкорлик асосида
юксалтиришга қаратилган.
Президентимиз маҳалла инфратузилмаси-
ни янада яхшилаш; иқтисодий таълимнинг
ва инновация Уснш моделига ўтказиш; ички
бозорда талабни рағбатлантириш; касбларни
ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архи-
тектурасини яратиш; экологик мувозанатни
таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресур-
сларидан оқилона фойдаланиш; замонавий дав-
лат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими
борасидаги ислохотларни давом эттириш орқа-
ли барчамизни янги ва улкан маррага — кел-
гуси беш йилда иқтисодиётимиз ҳажминини 240
миллирд доллардан оширишга бошламиз.
Кейинги йилларда халқимиз ва давлатимиз
эришган оламшумул ютуқларга таяниб фикр-
ласасак, ўз кучимизга ишонсак, бу натижага эри-
шиш мумкин.

Жамиятга тақлиф қилинаётган ислохотлар-
ни аниқ ташаббуслар мисолида кўриб қийай-
лик. Масалан, мамлакатимиз меҳнат бозорини
мутлақо янги архитектура асосида — касб,
малака, технология ва таълимни бирлаштири-
лган ягона механизм сифатида ишлатиш маса-
ласига кўтарилади.

Бу нима учун керак? Бугунги глобаллашув
шароитида рақамлаштириш ва сўнғий интелек-
т халқ соҳаларга кучли таъсир ўтказмоқда.
Натияда дунёдаги иш ўринларининг сони,
шақли ва мазмун кескин ўзгараётган. Яқин
беш йилда мавжуд касбларнинг 30 фоизи тў-
лиқ автоматлаштирилиши, 50 фоизи бўйича э-
янгича малакалар талаб қилинишидан келиб чи-
қасак, дунё меҳнат бозори туб бурилиш бўсағаси-
да экани маълум бўлади.

Мамлакатимиз етакчиси янгиланаётган
меҳнат бозорига мослашиш учун касбий таъ-
лимнинг энг муҳим бўғини давлат техник
кумларни янги сифат босқичига олиб чиқиш
лозим, демоқда. Бунинг учун 2026 йилдан бош-
лаб, ҳар йили камида 100 тадан техникум тў-
лиқ таъмирланиб, технологик ва талаб юқори
касбларга мос ҳолда жиҳозланади. Германия,
Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Жанубий
Корея каби давлатларнинг илгор таълим дасту-
рлари жорий қилинган техникумлар сони
100 тага етказилади.

2026 йилда 7 июлда, 2027 йилда эса қол-
ган ҳудудларда Илгор касбий маҳорат техник
куми ва “Касблар шахарчаси” фаолияти йўлга
қўйилади. Мурожаатномада ҳар бир ташаббус-
нинг амалий механизми, ҳар бир инфратузил-
манинг аниқ вазифаси кўрсатиб берилди.
Хусусан, Илгор касбий маҳорат техникумлари
худуддаги бошқа техникумлар учун методик
ва амалиёт базаси сифатида фаолият юритади.
“Касблар шахарчаси” эса мактаб ўқувчиларини
қурилиш, сервис, кишлоқ хўжалиги, саноат,
транспорт, “яшил” энергетика каби соҳаларда-
ги замонавий касбларга йўналтиради.

Техникум ва иш берувчилар ўртасидаги
ҳамкорлик ҳам бундан бўён янгича ташкил
қилинади. Дуал таълим асосида ўқитишни
самарали ташкил қилган корхоналарга 7 йил

муддатга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит
акротилади. Тадбиркорлик рейтингига қўшим-
ча 5 балл берилади. Корхоналар ишга олган
техникум ўқувчиси учун 1 фозили ижтимоий
солиқ имтиёзи яна уч йилга узайтирилади.

Бу ўринда ёшларнинг касбий ривожлани-
ши билан бирга иш берувчиларга ҳам янги
имтиёзлар, қўшимча қўллаб-қувватлов чора-
лари тақлиф қилинмоқда. Шунингдек, касбий
таълимдаги янгича ёндашувлар, хусусан, дуал
таълим асосида ўқитишни оммалаштириш
чоралари белгиланмоқда.

ОТМлар ва иш берувчилар ўртасида йўлга
қўйиладиган рақамли экотизим ҳам долзарб.
Бунда битирувчи курс талабалари учун ўзи-
га мос иш топиш, корхоналарга эса малакали
кадрларни жалб қилиш имконияти кенгайди.
Меҳнат бозорига йилга 300 минг олий маълу-
мотли кадр қизиб келаётганини ҳисобга олсак,
бу экотизимнинг аҳамияти янада ёрқин намоён
бўлади.

Булар тасодифий ечимлар эмас. Жамият-
ни юксалтириш бўйича Германия моделида
касбий таълимга устуворлик бериш ортдан
катта ютуқларга эришилган. Бу давлатда ҳам
ёшлар таълим билан бирга корхоналарда ама-
лий ўтаб, касбга эрта мослашади. Замонавий
Германия жамиятида фуқаролик жамияти ин-
ститутларига кенг ўрин берилган. Нодавлат
ташкilotлар ижтимоий муаммоларни ҳал
этишда фаол иштирок этади.

Президентимиз “Ислохотлар самарадорли-
гини таъминлашда фуқаролик жамияти ин-
ститутларининг роли муҳим. Шу боис, уларни
қўллаб-қувватлаш бўйича сиёсат келгусида
ҳам иччил давом эттирилади”, деди. Хусусан,
фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича
беш йиллик стратегия ишлаб чиқишлиш маъ-
лум қилинди. Ушбу институтларга ижтимоий
бюджет бериш тизими рақамлаштирилиб,
молиялаштириш ҳажми 2 қарра оширилади.
Бу таш



Самарали иқтисодиёт

Технология, инновация ва инсон капитали — миллий тараққиётнинг уч устуни

Дунё харитасида шундай ҳудудлар борки, ер ости бойликлари кўп, аммо аҳолиси келажакка ишонч билан қарай олмайди. Табиат саҳийлик қилган, лекин тарих қаттиққўл бўлган ўлкалар ҳам кам эмас. Улар ўз тақдирини ер бағридаги хазиналарга ишониб топширган, аммо ақл, технология ва мустақил тафаккур етгисмаган паллада бойлик химояга айланмаган. Натижада ташқи таъсирлар кучайган, ички барқарорлик сўнган, халқ эса ўз бойлиги устида туриб, тақдирини бошқарал хал қилаётган манзарага ғувоҳ бўлган, бўлайпти.

Бу алоҳида давлатга хос қисмат эмас, замонавий дунёдаги қаттиқ қонун. Чекланган ресурсларга сунган мамлакат доимо синов остида бўлади. Чунки бойлик диққатни тортади, аммо уни асрайдиган куч фақат билим ва технологиядан туғилади. Шу боис, бугунги глобал рақобат чегаралар ёки армиялар билан эмас, билим, технология ва ишонч майдонида кечмоқда. Уларий ресурсларга эга бўлиш ҳали ютуқ эмас, уларни қўшилган қийматга айлантира олиш эса ҳақиқий устуниқдир.

Шу маънода, сўнгги йилларда жаҳон иқтисодий ва сиёсий жараёнлари бир савол атрофида айланмоқда: қайси мамлакат ўз келажagini ўтмиш заҳираларига боғлаб қўйди, қайси бири эса келажак имкониятларини ярата олди?

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, барқарор тараққиётга эришган мамлакатлар табиат берган неъматларга эмас, инсон яратган билимга сунган. Чекланган ресурслар кўп бор қарамлик, бекдорлик ва ташқи босимлар манбаига айлланган. Аммо технология, инновация ва инсон капиталига таянган давлатлар глобал қиймат занжирларида ўз ўрнини топиб, мустақил тараққиёт йўлини таъминлай олган. Бугун дунё айнан шу икки йўл чорраҳасида турибди.

Ана шундай мураккаб ва тез ўзгараётган халқаро муҳитда ҳар бир давлат ўз стратегик танловини қайта қўриб чиқмоқда. Бу танлов фақат иқтисодий модель эмас, балки тафаккур, бошқарув ва жамият онгини қамраб олган цивилизация қорордир. Чунки иқтисодиёт рақамлар билан эмас, инсоннинг дунёқараши билан ҳаракатта келади. Қайси мамлакатда қарор қабул қилиш маданияти, самарадорликка бўлган муносабат ва билимга ҳурмат шаклланган бўлса, ўша ерда тараққиёт узлуксиз бўлиши шубҳасиз.

Шу глобал ўзгаришлар, кескин рақобат ва янги тараққиёт қондалари шароитида ҳар бир давлат ўз келажagini тасодифга ташлаб қўя олмайди. Стратегик танлов аниқ, мақсадлар равшан ва ҳаракатлар мувофиқ бўлиши талаб этилади. Ўзбекистон ҳам айнан шу тарихий паллада ўз ривожланиш йўлини янада аниқ белгилаб олмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси ана шу жараённинг мантқий ифодаси, мамлакатнинг келажакка қараб қилаётган онгли қадамнинг сиёсий ва фалсафий аксидир. Унда жаҳонда кечаётган тенденциялар миллий имкониятлар билан уйғун ҳолда талқин қилиниб, янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

Мурожаатномада келгуси тараққиёт учун белгиланган устувор йўналишлар ичида иқтисодиётнинг технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш масаласи алоҳида ўрин тутади. Айни йўл танланар экан, асосий эътибор “кўпроқ ишлаб чиқариш”га эмас, самарадорликка қаратилмоқда. Мазкур тушунча эндиликда фақат иқтисодий термин эмас. У давлат бошқаруви маданияти, инвестиция сиёсати ва инсон капиталига бўлган муносабатни белгилаб берувчи мезонга айланаётир.

Давлат қанча кўп имкониятга эга бўлмасин, уни шакллантира оладиган билимли,

маҳоратли ва янгилликка очик инсон кучи бўлмаса, барча имкониятлар фақат имконият сифатида қолади. Ўзбекистон эса айнан шу кучни ривожлантиришга интилиб, мавжуд имкониятларни билим, технология ва инновациялар орқали қўшилган қийматга айлантиришга йўналтирмоқда.

Биргина мисол. Жорий йил юқори технологик ва кам энергия истеъмол қиладиган тармоқларни ривожлантириш натижасида 1 доллар қийматдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган энергия 13 фоизга камайди. Яъни ресурслар самарадорлиги орқали яратиш қуввати ошди. Шу битта омил орқали яна 1 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратилганини ҳисобга олсак, бу жараённинг кенг қўламли таъсири ва иқтисодий самараси янада равшан кўринади.

Юқоридаги рақамлар шуни англатадики, технология ва малакаси юқори кадрлар ҳар бир тармоқнинг юрати. Қаерда илгор технология ва юқори малакага эга мутахассислар мавжуд бўлса, ўша соҳада ўсиш барқарор бўлади, вақти-вақти билан иқтисодий самарадорлигини оширади. Шу боис, қўзланган улкан мақсад — 2030 йилга бориб, ялпи ички маҳсулотини 240 миллиард доллардан оширишнинг энг ишончли йўли — барча иқтисодий тармоқларини технологик ва инновацион ривожланиш модели асосида трансформация қилишдир.



Бу ўсишнинг сифат жиҳатидан янги босқичига ўтиши — иқтисодий тараққиёт стратегиясининг марказий йўналиши ҳисобланади.

Инвестиция сиёсати ҳам айнан шу ёндашув билан уйғунлашмоқда. Сўнгги тўққиз йил ичида барча тармоқларга жалб қилинган 130 миллиард долларлик хорижий маблағ фақат рақам эмас, балки янги Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий майдондаги ишонч ва жозибадорлиги кўрсаткичидир. Жорий йилда эса чет эллик ҳамкорлар билан яна 140 миллиард долларлик янги инвестиция келишувларига эришилди.



Бу мамлакатимиз барқарор ва ишончли инвестиция муҳитига айланганини тасдиқлайди.

Келгуси йили кутилган 50 миллиард долларлик инвестиция эса энди шунчаки маблағ қилиши эмас, балки ҳар бир маблағ янги технологиялар, малакали ишчи кучи ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар яратишга хизмат қилиши шарти билан режалаштирилмоқда. Шу нуктага назардан, инвестор фақат капитал манбаи эмас, балки инновацион ривожланишнинг катализаторига айланади. Янги технология ва янги компетенциялар олиб кирган, экспортга йўналтирилган инвестиция энг ишончли ҳамкор сифатида давлат сиёсатида марказий ўрин эгаллайди.

Шу тарзда ҳар бир инвестиция, ҳар бир лойиҳа ва ҳар бир энергия тежаш орқали мамлакат ресурсларини самарали бошқарадиган,

нишонасидир. Ушбу тизим орқали инвесторлар “идорадан-идоратга югурмасдан”, ягона рақамли платформа — “invest.gov.uz” орқали барча хизматларини олиш имконига эга бўлади. Бу эса вақтни тежаш ва бюрократиядан озодлиқни таъминлайди. Шу тарзда ҳар бир инвестиция миллий иқтисодиётнинг технологик ва рақобатбардор салоҳиятига айланади.

Эркин иқтисодий зоналар орқали жаҳоннинг машҳур брендларини жалб қилиш ҳам стратегик аҳамиятга эга. Бу ерда корхоналар халқаро стандартлар ва экологик қоидалар асосида ишлайди, уларга эса имтиёзли солиқ, божхона ва ҳуқуқий режими берилади. Бу, ўз навбатида, инвестор учун қўлай муҳит яратади ва миллий иқтисодиётнинг глобал қиймат занжирдаги иштирокини таъминлайди.

Қўзланган режалар ортидан келгуси беш йилда 180 миллиард долларлик хорижий инвестиция орқали 1 миллион юқори даромадли иш ўрнини яратиш мақсад қилинган. Шунингдек, ҳар бир инвестиция лойиҳа асосида амалга оширилади, унинг самарадорлиги доимий мониторинг қилинади ва фақатгина стратегик аҳамиятга эга йўналишларда ишлатилиши таъминланади.

Шу тариқа ҳар бир инвестор ва ҳар бир лойиҳа нафақат моддий қиймат яратади, балки миллий иқтисодиётнинг технологик трансформация ва инсон капиталини ривожлантириш йўлидаги муҳим қисмга айланади. Бу жараён замонавий тараққиётнинг мураккаб, аммо интеллектуал марказий механизми сифатида мамлакатнинг глобал бозорлардаги рақобатбардорлигини таъминлайди.

Мурожаатномада белгилаб берилган 2026 йилга оид саноат ва технология сиёсати, аслида, иқтисодий ривожланишга нисбатан мутлақо янги фалсафий ёндашувни ифода этади. Бу ёндашувга кўра, иқтисодий ўсиш энди алоҳида тармоқларни қўлаб-қувватлаш билан чекланмайди, балки бутун иқтисодиётни ягона технологик тизим сифатида қайта қуришни назарда tutади. Шу маънода, келгуси йилда саноат тармоқларига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми ва таркиби мамлакатнинг стратегик танловини яққол намойиш қилади.

Хусусан, 2026 йилда кимё саноатида 4,5 миллиард доллар, тоғ-кон, металлургия, нефть-газ, автомобилсозлик, тўқимачилик ва қурилиш материаллари тармоқларининг ҳар бирида 3 миллиард доллар, электротехника соҳасида 2 миллиард доллар, фармацевтика тармоғида эса 800 миллион доллар миқдорида янги

лойиҳалар бошланиши режалаштирилмоқда.

Бу рақамлар оддий инвестиция кўрсаткичи эмас, балки иқтисодиётни диверсификация қилиш, хомашёга қарамликни камайтириш ва юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган узок муддатли сиёсатнинг ифодасидир.

Айни шу тармоқлар танланиши бежиз эмас. Чунки айна кимё, металлургия, машинасозлик, фармацевтика ва электротехника соҳалари глобал қиймат занжирларида энг катта технологик ва интеллектуал қўшилган қийматни шакллантиради. Бу эса мамлакат саноатини фақат ишлаб чиқарувчи эмас, балки технология яратувчи субъект сифатида майдонга олиб чиқиш имконини беради.

Шу асосда 2026 йилда мамлакат экспорт ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улушини эса 55 фоиздан ошириш мақсади қўйилмоқда. Бу кўрсаткичлар иқтисодий ўсишнинг сифат жиҳатдан ўзгаришини англатади. Яъни экспорт ҳажмини ошириш энди фақат миқдор билан эмас, балки маҳсулотнинг технологик мураккаблиги ва бозордаги рақобатбардорлиги билан белгиланади.

Келгуси йилда иқтисодиётда 6,6 фоиз ўсиш таъминланиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми 167 миллиард долларга етиши тахмин қилинмоқда. Агар меҳнат унумдорлиги, энергия самарадорлиги ва маҳсулот таннархи бўйича тизимли ва қатъий ишлар олиб берилса, иқтисодий ўсиш салоҳияти анча юқори экани очик эътироф этилмоқда. Демак, иқтисодий ривожланиш энди ташқи омилларга эмас, ички самарадорликка боғланмоқда.

Шу нуктага назардан, саноатда “Унумдорлик ва самарадорлиқни икки қарра ошириш” дастурининг ишга туширилиши алоҳида аҳамият касб этади. Бу тарз доирасида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан меҳнат унумдорлиги ва энергия самарадорлигига қаратилган махсус лойиҳа амалга оширилади. Ушбу ташаббус учун халқаро молия институтларидан 200 миллион доллар миқдорида кредит ва грантлар жалб қилиниши режалаштирилган.

Лойиҳа доирасида саноат корхоналарига хориждан юқори малакали технолог ва муҳандислар жалб этилади, бизнес жараёнлар рақамлаштирилади, энергия ва ресурс сарфини қисқартириш бўйича чуқур аудитлар ўтказилади. Бу эса иқтисодий ўсишни фақат янги қувватлар ҳисобидан эмас, балки мавжуд имкониятларни янада самарали ишлатиш орқали таъминлаш фалсафасига ўтишни англатади. Жараённинг мантқий давоми сифатида “Тўртинчи саноат инқилоби маркази” ташкили этилади. Марказ негизда робототехника, интернет буюмлари, “ақлли” фабрикалар каби “Индустрия 4.0” ечимларини жорий этиш учун махсус тартибга солиш механизми яратилади. Бу механизм корхоналарга янги технологияларни ишлаб чиқаришга таътиб этишдан олдин уларни синовдан ўтказиш имконини беради. Яъни инновация хавф эмас, балки бошқариладиган жараёнга айланади.

Сифат инфратузилмаси соҳасидаги ислохотлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Охириги икки йилда Ўзбекистон “Global sifat infratuzilmasi” индексида 15 поғонага кўтарилиб, 185 та давлат орасида 52-ўринни эгаллади. Ушбу натижа миллий маҳсулотларнинг халқаро бозорларда тан олинishi учун муҳим институционал асос яратяди.

Шу билан бирга, маҳсулот рақобатбардорлигини янада ошириш мақсадида техник

тартибга солиш соҳасида янги босқичга ўтилади. “Давлат назорати”дан самарадорлиги исботланган “Бозор назорати” тизимига ўтиш орқали сифат ва хавфсизлик устидан назорат бозор механизмлари билан уйғунлаштирилади. Инновация асосида юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар эса иқтисодий жиҳатдан қўлаб-қувватланади: маҳсулот ҳажмини оширган корхоналарга қўшимча маҳсулот қийматининг 5 фоизи миқдорида субсидия берилади, илмий тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларидан олинган даромадлар солиқдан озод қилинади.

Ана шу чора-тадбирлар натижасида келгуси беш йилда саноатда меҳнат унумдорлиги ҳозирги 16,5 минг доллардан 30 минг долларга, яъни деярли икки баробар ошиши, 1 минг доллар қўшилган қиймат яратишга кетадиган энергия сарфи эса 1,5 баробар қисқариши кутилмоқда. Бу кўрсаткичлар иқтисодий ўсишнинг янги — интеллектуал ва технологик босқичини англатади.

Мурожаатномада белгилаб берилган капитал бозорини ривожлантириш ва яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар, аслида, иқтисодий сиёсатнинг янги маънавий-ҳуқуқий босқичга кўтарилаётганидан далолат беради. Чунки барқарор иқтисодий ўсиш фақат инвестиция ҳажми ёки ишлаб чиқариш қувватлари билан эмас, балки ишонч, шаффофлик ва адолатли қоидаларга асосланган иқтисодий муҳит орқали шаклланади.

Корхоналарнинг халқаро молия бозорларида илк бор ўз ақцияларини жойлаштириши мумкин бўлиши бу — нафақат қўшимча молиявий ресурсларга чиқиш, балки миллий бизнеснинг глобал иқтисодий маконга тўлақонли интеграциялашуви ҳам демакдир. Бу орқали тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча 1 миллиард долларлик молиявий манба яратиши режалаштирилаётгани, иқтисодий ўсишнинг давлат бюджетига ёки ташқи қарз ҳисобидан эмас, балки бозор механизмлари орқали таъминлашга ўтилаётганини кўрсатади. Бундай ёндашув иқтисодий мустақиллигини яна бир муҳим устуни сифатида намойиш бўлмоқда.

Шу билан бирга, яширин иқтисодиётга қарши кураш масаласи Мурожаатномада фақат маъмурий чоралар доирасида эмас, балки ижтимоий келишув ва иқтисодий онгини ўзгариштириш нуктага назардан қўйилгани билан аҳамиятланади. Охириги йилларда қўрилган чора-тадбирлар натижасида кузатилаётган иқтисодий тулиши 45-50 фоиздан 28 фоизга туширилгани бу йўлдаги илк, аммо муҳим натижадир. Бирок давлат раҳбари таъкидлаганидек, бу ҳали бошланиши, ҳолос.

2026 йилдан барча давлат хизматлари ва коммунал тўловлардан тортиб, йирик савдо битимларигага бўлган жараёнларнинг нақдсиз ҳисоб-китобларга ўтказилиши, шунингдек, назорат ва текширув органларида “боди-камера” тизимининг жорий этилиши — иқтисодиётда инсон омилнинг сабий таъсирини камайтириш, шаффофлик ва жавобгарлиқни институционал даражага кўтаришга хизмат қилади. Бу эса иқтисодий муносабатларнинг қонун устуворлигига асосланган янги маданиятни шакллантиради.


Айни пайтда “Соғ”да ишлатётган тадбиркорларга жазо эмас, балки имконият бериш тамойили илгари сурилаётгани алоҳида эътиборга молик. Бухгалтерия, солиқ ва статистика ҳисоботларини юритиш бўйича бепул ўқитиш тизимининг жорий этилиши давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатларда ишонч ва ҳамкорлик модели қарор топаётганини англатади.

Белгиланган дастурлар икроси натижасида келгуси беш йилда яширин иқтисодиёт улуши яна икки қарра қисқартирилиши, савдо ва сервис соҳаларида нақдсиз тўловлар улуши 75 фоиздан ошиши, расмий секторда банд аҳоли сони эса 8,5 миллиондан 14 миллион нафарга етказилиши кўзда тутилмоқда. Бу рақамлар ортида миллионлаб инсонларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилинадиган муҳитга кириб келиши муҳасам.


Фуқароларнинг ўз даромад ва ақтивларини эркин тасарруф этишига оид қабулларини яратиш масаласи ҳам айнан шу фалсафанинг давомидир. Давлат фуқароларни шубҳа ва хавотирда эмас, балки ишонч ва хотиржамликда яшашга ундаётгани — иқтисодий сиёсатнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб беради.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Мурожаатнома янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим ҳақиқатини белгилаб бери: иқтисодий ўсиш — рақамлар йиғиндис эмас, балки инсон, ишонч, билим ва адолатга таянган барқарор тизимдир. Ана шу тизим барпо этилган жойда иқтисод ҳам, жамият ҳам, келажак ҳам мустаҳкам бўлади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Қишнинг совуқ кунларида ҳам баҳор тароватини ҳис қилиш жуда ёқимли, албатта. Бу, аввало, иссиқхоналарда гулчилик, кишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш билан шуғулланаётган хонадонларда яққол акс этиб туради.



Бандлик

ТОМОРҚА

ОИЛАНИНГ АСОСИЙ ДАРОМАД МАНБАИ

Беруний тумани Бўстон маҳалласидаги Машариповлар оиласининг учинчи авлоди ҳам гулчилик билан шуғулланиб, 32 турдаги гул қўчатларини кўпайтириб келмоқда. Оила аъзолари мавсум давомида 100-150 миллион сўм атрофида даромад олади. Бундан ташқари, эрта баҳордан 8 турдаги полиз маҳсулотларини ҳам етиштириб, бозорга чиқаради.

Тумандаги 40 та маҳаллада яшовчи 6070 хотин-қиз “Аёллар дафтари”нинг 6-босқичида рўйхатга олинган эди. “Шаббоз” овул фуқаролар йиғинидаги хатлов натижасида ижтимоий дафтарга киритилган 175 хотин-қизга 6 тоифа асосида ёрдам кўрсатилди.

Ишнинг осони йўқ. Лимон етиштириш ва парваришлаш ҳам катта меҳнат талаб

қилади. “Шаббоз” овул фуқаролар йиғинида яшовчи Нигора Қурбонова 10 сотихли иссиқхонасида оилавий меҳнат қилади. Хонадон аъзолари лимон ҳосили сотувидан ҳар йили 20-30 миллион сўм соф фойда олади.

— Меҳнатга яраша мўл ҳосил етиштириб, иссиқхонани оиланинг асосий даромад манбаига айлантирганимиз. Томорқамизда 80 тул лимон бор. Ҳосилни йиғиб-териб олдик, — дейди Нигора Қурбонова. — Бундан ташқари, яна иккита иссиқхонамизга эрта баҳордан помидор, бодринг экиб, ҳосилни ички бозорга ва қўшни туманларга етказиб берамиз.

Беруний туманидаги “Бирлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги тажрибали томорқачи, “Дўстлик” ордени соҳиби Йўлдош Наримбетовни кўпчилик яхши танийди.

У йил давомида томорқасида 3 марта ҳосил етиштириш ҳадисини олган. Ҳатто қиш кунларида ҳам иссиқхонасида янги ҳосил етилаётганини кўриш мумкин.

— Меҳнат фаровонлик калити эканини оиламиз мисолида кўрямиз. Фарзандларимизнинг ўқув-шартнома пулини тўлаяпмиз. Янги автоулов сотиб олдик. Томорқамиздаги 10 сотих иссиқхонанинг 6 сотихида редиска етиштирямиз. Уни сотиб, 15-20 миллион сўм даромад оламиз, — дейди Йўлдош Наримбетов. — Редискани февралгача сотиб бўлгач, ўрнида помидор, бодринг, бақлажон, мурчи, қарам қўчатларини етиштирямиз. Улар икки ойда тайёр бўлгандан кейин шартнома асосида Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистоннинг барча туманига етказиб



берамиз. Сўнг бугудойдан бўшаган ерга экиш учун яна помидор, бодринг, бақлажон, мурчи, қарам қўчатларини кўкартирамиз. Умумий ҳисобда йил давомида 150 миллион сўм атрофида фойда кўрса бўлади.

Бундан аввалроқ Йўлдош Наримбетов ташаббус билан маҳаллада брокколи етиштириш йўлга қўйилган эди. Парҳезоп ушбу қарам тури бутун Қорақалпоғистон шароитида ҳам етиштирилиб, тажрибали томорқачи эгалари томонидан ички бозорга ва экспортга чиқара бошланган. Намунали томорқа эгасининг брокколи етиштиришдаги икки йиллик тажрибаси самара берди — 1,5 гектар майдондан жами 15 тонна ҳосил олинди.

Аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда томорқа хўжалиқларининг аҳамияти катта. Меҳнатнинг таги роҳат, дейди доно халқимиз. Томорқада меҳнат қилиб, даромад топиш ўзгача завқ беради. Ердан унумли ва самарали фойдаланиш мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўиши, аҳоли даромадини ошириши билан бирга экологик тоза сазавот маҳсулотларига эҳтиёжни таъминлашда жуда муҳим.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида мамлакат тараққиёти учун устувор йўналишлардан бири сифатида касбий таълим тизимига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратишни устувор вазифа этиб белгилади. Бу бежиз эмас. Зеро, бутун дунёда технологияларнинг жадал ривож, янги иқтисодий соҳаларнинг пайдо бўлиши, меҳнат бозорида рақобатнинг кучайиши, талаб ва эҳтиёжларнинг ўзгариши касб-хунар таълими аҳамиятини тобора оширмоқда.

ЯНГИ МЕҲНАТ БОЗОРИ АРХИТЕКТУРАСИ

таълимга эътиборни янада оширмоқда

Касбий таълим агентлиги директори Азимжон Хусанов билан суҳбатимиз мамлакатимизда касб-хунар таълими тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва таълимни амалиёт билан боғлаш юзасидан қилинаётган ишлар хусусида бўлди.

— Касбий таълим ташкилотларида рақобатбардош ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш ташқи ва ички меҳнат бозоридagi эҳтиёж ҳамда талабга бевосита боғлиқ, — дейди Азимжон Хусанов. — Давлат ва хусусий сектордаги иш берувчилар орасида ўрта бўғин кадрларига эҳтиёж ҳамда техникумлардаги таълим сифати, ўқитиш жараёнларини ташкил этиш, техникумларда тайёрланадиган мутахассисларга қўйиладиган малака талаблари бўйича тақлифларни ўрганиш мақсадида йил давомида аноним сўровномалар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, 2024/2025 йилларда ўтказилган аноним сўровномада хусусий сектордаги 51 минг 482 корхона (ташкилот) иштирок этган. Натижалар таҳлил қилинган ҳолда техникум ва иш берувчилар ўртасидаги муаммолар ҳал этиб келинмоқда. Сўровномалар меҳнат бозорида яқин 3 ёки 5 йилликдаги энг талабчи касблар қайсылар бўлиши, қандай янги соҳалар пайдо бўлиши ва қайсылари йўқолиб кетишини аниқлашга ёрдам беради.

Касбий стандартлар ва халқаро таълим дастурлари асосида касбий таълим дастурларини янгилаш учун меҳнат бозоридa талаб юқори бўлган 60 та касб рўйхати шакллантирилди. Миграция агентлиги билан ҳамкорлик ўрнатган хорижий иш берувчи корхоналардаги бўш иш ўринлари сони ҳамда мутахассисларга қўйиладиган талаблар ўрганилди.

Бугун 510 та касбий таълим муассасаси билан 14 минг 339 корхона ва ташкилот ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Уларда 67 минг 641 ўқувчи “устоз-шогирд” аъёнаси асосида 140 йўналиш бўйича дуал таълим шаклида касб ўрганмоқда. Ўқувчиларга корхона ва ташкилотларнинг 17 мингдан зиёд малакали мутахассиси бириктирилган.

2026 йилда 60 та, 2027 йилда 150 та ва 2028 йилда қолган барча касбий таълим дастурларини касбий стандартлар ва халқаро таълим дастурлари асосида янгилаш белгиланган. Меҳнат бозори ва халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ривожланган давлатларнинг ўқув дастурлари талаблари ўрганиб чиқилди. Ушбу талаблар асосида касбий таълимнинг ўқитиш даражалари бўйича узвийлиги таъминланган ҳолда компетенцияга асосланган янги форматдаги модулли таълим дастурлари лойиҳаси тайёрланмоқда.

— Замонавий касблар ва янги мутахассисликлар деганда нимани тушунамиз?

— Замонавий касблар аъёнавий соҳаларнинг замонавий технологиялар, рақамлаштириш ва меҳнат бозори талаблари асосида мазмунан янгиланган, кўникмаларни эгаллашга йўналтирилган ҳамда юқори самарадорликни талаб қиладиган шаклидир.



Техникумларда таълим олаётган 100 минг ўқувчига илк бор стипендия тўланади, “аъло” баҳоларга ўқётган, танлаган касбини пухта эгаллаган йигит-қизларга оширилган миқдорда стипендия берилади.

Етуклик остонасида



790 хотин-қиз давлат гранти асосида таълим олиши учун ўқиш харажати тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилган. Бугун Prof-emis.edu.uz платформаси орқали 859 хотин-қиз ахборот технологиялари (компьютер тизимлари ва комплекслари, компьютер техникаси монтажчиси, компьютер ахборот технологиялари — веб-сайт яратиш, ахборот воситалари машиналари ва компьютер тармоқлари оператори, шунингдек, компьютер графикаси ва дизайн оператори) йўналиши бўйича қисқа муддатли курсларда ўқиш келмоқда. Шу кунга қадар ушбу курсларда 2949 хотин-қиз ўқитилиб, ўқиш якунида уларга давлат намунасидаги сертификат берилган.

— Келгусидаги режалар хусусида тўхталсангиз.

— Бозода касбга қизиқиш 7-синфдан бошланишини инобатга олиб, 9-синф битирувчиларини фанларни ўзлаштириши ва касбий қизиқишига қараб саралаб олиш тизими жорий қилинади. Бунда олийгоҳларга кириш истагида бўлмаган ёшлар техникумларга юборилади. Жорий йилдан бошлаб ҳар йили камиди 100 тадан техникум тўлиқ таъмирланиб, технологик ва талаб юқори касбларга мос ҳолда жиҳозланади. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатларнинг илгор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сони 100 тага етказилади.

Германиянинг “Авесто” компанияси билан ҳамкорликда Қашқадарёдаги 4 та техникумда саноат механиги, автомобиль механикаси ва саноат электромонтери касблари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

“Шўртангазким” мажмуаси МЧЖ ушбу техникумларнинг ўқув устaxonаларини 2 касб бўйича жиҳозлайди. Германиянинг “Askania Bildung” компанияси билан немиш таълим дастури асосида 800 ўқувчи ошпазлик, логистика, савдо, меҳмонхона хизмати бўйича ўқитилади. Ахаен университети клиникаси (Германия) билан ҳамкорликда 15 та тибобий техникумда ташкил этилган “Германия тибобий академияси”да ҳамширалик йўналиши бўйича 1200 мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилади.

Еттига вилоятда Илгор касбий маҳорат техникуми ва “Касблар шаҳарчаси” фаолият бошлайди. Бунда Илгор касбий маҳорат техникумлари ҳудуддаги бошқа техникумлар учун методик ва амалиёт базаси вазифасини ўтаса, “Касблар шаҳарчаси” мактаб ўқувчиларини қурилиш, сервис, саноат, транспорт, “яшил” энергетика бўйича замонавий касбларга йўналтиради.

Техникумларда таълим олаётган 100 минг ўқувчига илк бор стипендия тўланади, “аъло” баҳоларга ўқётган, танлаган касбини пухта эгаллаган йигит-қизларга оширилган миқдорда стипендия берилади. Мактаб ўқувчиларининг касб-хунарга қизиқишини ошириш, замонавий ва аъёнавий касблар ҳақида тасаввурини шакллантириш, касбий таълимнинг ижтимоий имижини ошириш мақсадида ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида “Касбга саёҳат” республика касбий таълим фестивали ўтказилади.

Бунда алоҳида касблар бўйича кўча касб-хунар автобуслари ташкил этилиб, график асосида мактабларга боради. Автобуслар орқали ҳар йили ўртача 100 мингдан ортиқ ўқувчида касблар билан танишиш имконияти яратилади.

Буюк Британиянинг “Pearson” компанияси билан ҳар бир ҳудуддаги биттадан техникумда халқаро стандарт асосида ҳамширалар тайёрлаш йўлга қўйилади. Ушбу техникумларга Германия, Швейцария, АҚШ, Япония каби давлатларнинг таълим дастурлари ҳам жорий этилади. Шу асосда халқаро талабларга жавоб берадиган, хорижий тилларни биладиган ҳамширалар таркиби шакллантирилади.

Корхоналарда экостандартларни жорий қиладиган экология менежери касби талабидан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудудда “яшил” техникумлар ташкил этилади, уларда дуал таълим асосида йилга 10 минг мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилади.

Юртимизда илк бор Туркий давлатлар техникумлари ўқувчилари ўртасида касб йўналишлари бўйича халқаро олимпиада ҳамда 10 та долзарб касб бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун танлов ўтказилади. Ушбу мусобақаларга 150 мингга яқин ёшлар қамраб олиниши назарда тутилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.



МАҲАЛЛАДА ТИНЧЛИК, ТАРТИБ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БЎЛСА...

Бугун маҳалладаги ҳар бир ислохот, ободонлаштириш харажати ва инфратузилма лойиҳаси одамларнинг кайфиятини кўтариб, давлат ва келажакка ишончини мустаҳкамламоқда.

Давлатимиз раҳбари 27 январь кунги Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан видео-селектор йиғилиши ўтказди. Унда жорий йилда ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда асосий бўғин маҳалла профилактикаси экани алоҳида қайд этилди.

Сўнгги йилларда давлат бошқарув органларида очиклик ва шаффофлик сиёсати юритилаётгани ўз натижасини бермоқда. Лекин бу жараён ҳуқуқ-тартиб идоралари ишига секин кириб келаётгани, уларнинг фаолияти ташқаридан ҳолис ўрганилмаётгани айтилди. Бу идораларнинг ёпиқ ҳолатда ишлаши уларнинг ўзига ҳам, жамоатчиликка ҳам фойда келтирмаслиги, соҳада ўзгариш, ривожланиш бўлмаслиги таъкидланди.

Эндиликда Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқ-тартиб идораларининг фаолиятини “ҳуқуқий аудит”дан ўтказиш тизими йўлга қўйилади. “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, адлия органларининг аниқ роли, янги вазифа ва ваколатлари белгиланади.

Бугун мамлакатимиз жадал ва ҳар томонлама ривожланишнинг қизгин палласига кирди ҳамда бу жараён тизимли хусусиятга эга. Яъни давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари — иқтисодиёт, саноатдан тортиб, ижтимоий сиёсат, гуманитар соҳа, таълим, фан ва маданиятга ҳеч қандай истисносиз қамраб олган. Муҳими, ислохотлар ягона мантқий тизим асосида кечмоқда. Унда ҳар бир қарор аввалгиси билан узвий боғлиқ ҳолда узоқ муддатли натижага хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Барча ўзгаришлар асосида инсоннинг шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш муҳимаси.



Айни пайтда ислохотлар алоҳида бир ташаббус ёки қарорлар қўрилишидагина мавжуд эмас, улар давлат бошқаруви ва архитектурасига чуқур сингдирилган ортга қайтмас жараёндир.

Бугун глобал миқёсда ҳал қилиниши зарур бўлган энг долзарб муаммолардан бири коррупциядир. У давлат ва жамият ривожига жиддий зарар етказиб, иқтисодий ўсиш суръатини сустайтиради, инвестиция муҳитини бузади. Энг ёмони, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари поймол бўлишига олиб келади.

Коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиб улгурди. Бу борада ишлаб чиқилган ҳуқуқий база, ташкил этилган институционал тузилмалар ва қўрилган амалий чора-тадбирлар самара бермоқда.

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши юртимизни янада тараққий эттириш, аҳоли даромадини ошириш, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, фуқаролик жамиятини юксалтириш йўлидаги ортга қайтмас ислохотларнинг узвий давомидир. Маҳалла жамиятининг энг кичик, бироқ энг муҳим бўғини. Маҳаллада тинчлик, тартиб ва ҳамжиҳатлик ва тараққий қарор топади.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида



Мансур МУСАЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор

коррупцияга йўл қўйиш юртимиздаги ислохотларга нисбатан хиёнат сифатида баҳолангани бежиз эмас. Зеро, коррупция давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонуний устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдиддир. Шу боис, бу иллатга қарши курашиш бўйича “фавқулодда ҳолат” эълон қилинди.

Давлатнинг ҳар бир сўм маблағи, ресурси бўйича шахсий жавобгарлик кучайтирилади. Йиғилишда Президент Администрацияси ва давлат идораларида комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тизими йўлга қўйилгани, коррупциявий схемалар бўйича зарар аниқланиб, ундирилаётгани қайд этилди.

Такомиллаштирилаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан,

Орзу ва ният — инсон ҳаётидаги энг тотли тушунчалардан. Сабаби, униб-ўсиб келаётган ёш борки, юксак чўққиларни кўзлаб яшайди, улкан муваффақиятларга эришишни мақсад қилади. Бироқ айна ёшлик палласида шунинг ёдда тутиш жоизки, орзулар асосан билим воситасида ушалади. Ҳар қандай ютуқ учун мустақкам замин, яъни қатъий ирода, аниқ мақсад ҳамда вақтида эгалланган ва эгалланишда давом этаётган билим лозим. Билим тушунчасига эса “китоб” сўзи эгиздир.



Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,
Гулистон давлат университети
ёшлар етакчиси,
“Мард ўғлон”
давлат мукофоти соҳиби,
“Ёш китобхон” танловининг
республика босқичи ғолиби

Бугунги кунда юртдошларимиз орасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёш авлоднинг бадиий адабиётга меҳрини ошириш, маърифатли авлодни воёга етказиш йўлида улкан ислохотлар кечмоқда.

Келинг, шу ўринда мамлакатимизда китобхонлигининг муҳим босқичга кўтарилиш палласига тўхталиб ўтсак.

2017 йил 30 июнь. Тошкентда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг (ҳозирги Ёшлар ишлари агентлиги негизидан) қурултои ўтказилди. Қурултойда Президентимиз иштирок этиб, ёшлар билан очиқ мулоқот қилди. Ингилишда алоҳида эътибор қаратилган, куйиниб гапирилган мавзулардан бири китобхонлик эди. Мен ингилишда Сирдарёдан туриб видеоконференция орқали иштирок эттандим. Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳар йили “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳалла”, “Энг китобхон оила” каби танловлар ўтказиш, жуғурий босқич ғолибларини тақдирлаш учун қимматбаҳо совғалар, жумладан, юртимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни мукофот тариқасида бериш ташаббусини

кўпчилик қатори мен ҳам катта қувонч билан қабул қилгандим.

Очиги, китоб ўқиган инсонга машина совға қилиш кўпчилик учун ишониш қийин бўлган ҳолат эди. Шунинг учун афсус билан айтиш жоизки, кўпчилик “Ўқиб шахар оларимдинг?”, “Ўқиган билан нима бўлардинг?”, “Нари борса ўқитувчи бўласанми?” деган гапларни ҳеч бўлмаганда бир марта бўлса ҳам эшитган.

Бу гапларни мен ҳам эшитганман. Тўғри, ота-онам ҳамини қўлаб-қувватлаб, ўқилишни, яхши таълим олишини хоҳлаган. Аммо агрофагилар мен каби оддий қишлоқ боласининг муваффақиятга эришишини истаса-да, ишона олмас эди. Бироқ Президентимиз каттаю кичкин бирдек келажакка дадил қарашга ўргата олди. “Ёш китобхон” танлови эълон қилиниб, ғолибига “Spark” автомобилли совға қилиниши ҳақидаги лавҳалар ОАВда намоён этилди. Ўша кунларнинг бирида ота-онамга юзландим: — Сизларга машина совға қиламан!

Даладан чарчаб келган дадам ҳайрон қаради. Мен эса давом этдим:

— Биринчи ўринни олган иштирокчига машина совға қилинади танлов эълон қилинибди. Албатта, қатнашиб, шу танловда ғолиб бўлман.

Бу гапимдан ота-онанинг чехраси ёришиб, кейин шу мақсадимга етишишни учун барча шароитларни қилиб беришди. “Ёш китобхон”-га қизгин тайёргарлик кўра бошладим. 2017 йилги танловда омадим келмагани учун эмас, балки билимни етмагани сабабини энг охириги ўрини — 14 та худуд ичида 14-ўринни қайд этдим. Танловда ютказиб келганимдан кейин асарият қишлоқдошларим мени кўрганларида “Ҳа, Ўрмон акамнинг ўғли-я, қалит қўлингда турганди. Шарт-шарт гапириб, машинани ютиб келмайсаними? Лекин биринчи ўринни олган қиз ўткир экан-а? Майли, яна ҳаракат қил, албатта, қатнаш. Бизнинг қишлоқдан ҳам чиксин “Президент совғаси”ни ҳайдаб юрадиган”, деб айтишни одат тусига айлантирдилар.

Бундан хижолат бўлардим, қайсибир маънода мағлубият аламини ҳис қилардим. Бироқ айнан шу сўзлар ҳам туртки бўлиб, танловда кетма-кет иштирок этаредим. Икки эмас, уч эмас, бешинчи йил деганда — 2022 йилнинг 7 апрел кунини “Ёш китобхон” танловининг республика босқичида 15-19 ёш тоифасида 1-ўринни қўлга киритдим ва ота-онамга 2017 йилда берган ваъдамни бажардим.

“Президент совғаси”ни ютиб келганимдан сўнг қишлоғимизда китобга бўлган муҳаббат орғиб кетди. Дадам эса “Spark” да бутун вилоятимиз бўйлаб эллика яқин мактабга мени олиб борди. Бу мактабларда ўқувчилар билан учрашдим. Ўқувчилар эса битта гапни такрорлар эди: “Сизга ҳавас қиламиз, биз ҳам китоб ўқиби, машина ютаемиз”.

Одамлар ҳавас қиладиган даражага етишимга Президентимиз илгари сурган ташаббуслар ва ёшларга яратилаётган имкониятлар сабабчи бўлди. Юртимизда китобхонларга кўрсатилаётган гамхўрлик туфайли илм-маърифат йўлидаги авлоднинг кўксига шамол теғди. Бизга “Spark” берилган бўлса, бугунги ғолиблар электробиллар билан тақдирланмоқда. Биз биринчи бор қатнашган пайтда республика босқичида 2-ўринни олган иштирокчи компьютер билан тақдирланган бўлса, бугун 75 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритмоқда. Бу мамлакатимизда ислохотларнинг йилдан йилга юксалиб, қамрови ҳам кенгайиб бораётганидан далолат. Сўнгги йилларда мана шундай китобхонлик танловларида 3 миллиондан зиёд ёш иштирок этибди. Бу ҳазилакам рақам эмас.

Яқинда Президентимизнинг “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Албатта, барчамиз айна қарорни китобга меҳр ва китоб сингирган ватанларпарлик руҳидаги янги Ўзбекистонга муҳаббат билан қарши олдик.

Қарор асосида “Китоб — маърифат манбаи” лойиҳаси доирасида аҳоли ўртасида китобхонлиқ тарбию қилиш ва йилга ўртача 10 та китоб ўқиш мақсади жорий этилиши, Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармаси тўзилиши, “Жадидлар изидан” китобхонлик клуби лойиҳаси асосида мактаб ўқувчилари йилга қилиб 20 та китоб ўқишининг таъминланиши, клубнинг энг фаол аъзолари тақдирланиши белгиланди.

Шунингдек, танловлар орқали истеъодли муаллифларни аниқлаш ва уларга ижод қилиш учун шароит яратиш мақсадида бир йилгача БХМнинг 50 баравари (20 миллион 600 минг сўмгача) миқдорига ҳақ тўланиши, энг сара хорижий адабиётларни ўзбек тилига ва миллий адабиётларни хорижий тилларга таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш харажат-

YOSH
KITOBXON

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz.uz_news

yuz.uz_news

Китобхонлар, КЕЛДИ ДАВРУ ДАВРОН БИЗГА



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



ларнинг 50 фоизи ҳамда муаллифлик ҳуқуқи учун харажатларнинг 80 фоизининг жамғарма томонидан қопланиши қайд этилди.

Шу билан бирга, китобхонлик рейтингни шакллантирилиши, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)” мақомини олган худудларда 330 та маҳалла кутубхонаси ташкил қилиниши, “ТОП-100” китобхон дастури доирасида ўқувчи ва талабалар орасида энг кўп китоб ўқиганларнинг тақдирланиши, ҳар бирига БХМнинг 25 баравари миқдорига (10 миллион 300 минг сўм) пул мукофоти берилиши, “Мутулаа” рақамли платформаси лойиҳаси орқали жамоат транспорти ва инфратузилма объекларида электрон ва аудиокинолардан бепул фойдаланиш имконияти яратилиши — буларнинг барчаси янги Ўзбекистон китобхон мамлакат сифатида юксалаётганидан далолат.

Ёшлар, хусусан, ёш китобхонлар вақили сифатида айта оламаники, бу қарор, аввало, бизнинг нурафшон келажакимиз учун қабул қилинди. Эндиликда Ўзбекистонда китобхонлик бўйича алоҳида жамғарма фаолият юротида. Бу имкониятдан унумли фойдаланиб, тендошларим, ука-сингилларим ўз устидарида янада кўпроқ ишлашлари лозим.

Қарорда китобхонлик бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар аниқ ва равшан белгилаб қўйилган. 11 қисмдан иборат дастур тўлиқ китобхонлик ҳаракатига қаратилган. Шунингдек, жамғармада тажрибали мутахассислар, олимлар, зиёлилардан иборат Васийлик кенашини таркиби шакллантирилгани ҳам китобхонларни қувонтиради. Васийлик кенашининг аниқ иш режаларига китобхонлик бўйича танловларнинг тизимли ташкил этилишини назорат қилиш, соҳа ривожини йўлидаги муаммоларни аниқлаб, улар юзасидан тақдирларни Вазирил Маҳкамасига тақдим этиб бориш вазиirlарни юксалтирилган бўлиб, булар ҳам кенашининг мамлакатимизда китобхонлик даражасини юксалтириш йўлида ўзига хос ўрин тутишидан дарах беради.

Бугун юртимизда китобхонлик соҳасидаги ислохотларга кўпчиликнинг ҳаваси келмоқда. Бунга ўзим гувоҳман. Озарбайжонда ўтказилган халқаро форумда мамлакатимиздаги ёшлар сиёсати бўйича тақдимот қилган эдик. Унда китобхонлик босқичдаги ишларга тўғталганимда, бир озарбайжонлик иштирокчининг “Эҳ-а, зўр танлов-ку. Ўзбекистонга бориб, китоб ўқиб, машина ютиб келсак бўларкан” деган сўзлари ҳали-ҳаном ёдимда.

Китоб ва китобхонлар бўйича ишларнинг кўлами ҳақиқатан кенг. Хусусан, “Янги Тошкент” мажмуасида янги кутубхона қад

ростлаётгани сўзимиз исботи. Имом Бухорий мажмуаси, Ислам цивилизацияси маркази ва муҳташам кутубхона. Бу уч мажмуа бир вақтнинг ўзида қад кўтармоқда. Яъни илм, эътиқод, маърифат, маънавият, инновация ва илгор ташаббуслар бир вақтнинг ўзида юксалмоқда. Яқинда Президентимиз ушбу кутубхона қурилиши билан танишди. Ушбу жараёнини телевидение орқали кўриб, шунинг хис қилдимки, мазкур кутубхона янги Ўзбекистон кутубхонаси сифатида халқимизнинг шонли тарихидан муносиб ўрин эгаллайди.

Ҳа, чиндан ҳам не-не инсонлар кўришини орзу қилган замоналарда яшапмиз. Бир вақтлар Қодирий, Чўлпон, Мунавварқори, Фитрат каби жаҳид боболаримиз маърифат йўлида ҳаракат қилгани учун асоссиз жазоланган эди. Бугун-чи? Бугун улар бош-бал берган ҳаракат ёшлар қалбига сингиб бормоқда. Мактабларда уларнинг номлари билан аталувчи клублар ташкил этилмоқда. Бу ҳам улар орзу қилган кунларни биз кўраётганимиздан далолат.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди: 2022 йилнинг 30 июнь кунини. “Янги Ўзбекистон” боғидаги павильонда Президентимиз “Ёш китобхон” ва “Ёш китобхон оила” танловлари ғолиблари билан мулоқот қилди. Ушанда давлатимиз раҳбари “Сизлар китоб ўқиб чарчамасанглар, мен мукофот бериб чарчамайман”, деганди. Шу кунини Президентимиздан “Мард ўғлон” давлат мукофотини қабул қилиб олгандим. Тақдирлаш маросимида эса давлатимиз раҳбари ота-онамизга салом ва раҳматини етказиб қўйинг, дея қўлимни маҳкам сиқиб қўйганди. Бугун оддий уй бекаси бўлган онамнинг кўксига “Маънавият фидойиси” кўкрак нишонини порлаб турибди, отам “Президент совғаси — “Ёш китобхон” ғолиби” деб ёзиб қўйилган машинада мағрур юрибди. Мен буларнинг ҳаммасига янги Ўзбекистонда Президентимиз яратиб берган имкониятлар натижасида эришдим.

Бугун Гулистон давлат университетиде ёшлар етакчиси сифатида фаолият юритялман. Фаолиятим давомидатида асосий лойиҳа ва ташаббусларим ҳам айнан китобхонликка қаратилган. Хусусан, талабалар орасида китобхонлик деббатларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ҳар ҳафта “Мутулаа майдони” лойиҳаси орқали “Мутулаа” иловасидаги бирор асарни ўқиб, муҳокама қиламиз. Шунингдек, “Мушоира” клуби фаолиятини йўлга қўйиб, ёш ижодкорларнинг шаклланишида бор ғайратимизни сафарбар этиямиз.

Университетимиз ёш ижодкорларининг китобини нашр этишни режа қилдик. Телевидение билан ҳамкорликда “Бир асар муҳокамаси”, “Мунозара” каби телелойиҳаларни йўлга қўйиб, китобхонлик тадбирларини оммавий аксорт воситаларида кенг ёритялмиз.

Яқинда университетимизнинг янги ва замонавий Аксорт-ресурс маркази фойдаланишга топширилди. Ёшлар ишлари агентлигининг совғаси сифатида “1000 китоб” лойиҳаси доирасида таржима қилинган китоблар янги кутубхонамизга тақдим этилди.

Биз ҳали ўз устидида жуда кўп ишлаб, тинимсиз ўқиб, яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда янги Ўзбекистонни маърифатли жамият ва китобхонлар юрти сифатида юксалтиришимиз лозим. Президентимиз қарорига ҳар йили киши бошига 10 донга китоб ўқишлишига эришиш алоҳида қайд этилган. Лекин ишонаманки, яратилаётган имкониятлар натижасида биз бу рақамни ҳам тез орада забот этиб, бундан-да юксак натижалар сари интила бошлаймиз. Ҳали бир инсон йилга 30-40 донга китоб ўқийдиган кунларга ҳам етиб борамиз. Марра аниқ, мақсад равшан. Фақат ҳаракат қилсак, бас.

СПОРТДА ҒАЛАБА ФАҚАТ НАТИЖА БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ

Ўтган 2025 йил юртимиз спортчилари учун зафарларга бой бўлди. Жумладан, Дубай шаҳрида бўлиб ўтган Параолимпияда мамлакатимиз спортчилари умумжамао ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Бу ғалабага Сурхондарё вилояти Термиз туманида истиқомат қиладиган ўн олти яшар Хусния Олимжоновна ҳам жуда катта ҳисса қўшди.

Мен кучлиман

Шундай ютуқлар бўладикки, юракларга муҳрланади. Дубай аренасида Хусния қўлга киритган натижа айнан шундай ғалабалар сирасига кирди. У ёш бўлишига қарамай, матонат ва қатъият намунасини кўрсатди. Ўсмирлар тоифасидаги баҳсларда 100, 200, 400, 800 ва 1500 метрга югуриш, шунингдек, ядро улоқтириш, баландликка ва узунликка сакраш йўналишларида иштирок этиб, жами 8 та олтин медални қўлга киритди.

— Кетишдан олдин Дубайдан олтин медалсиз қайтмаман деб мақсад қўйгандим. Рақибларим жуда иродали, маҳоратли спортчилар эди. Қолаверса, биринчи бор халқаро турнирга чиқаётганим учун кучли ҳаяжонда эдим. Мухташам спорт мажмуасига кириб бораганимдан сўнг бу ердан олтин медал билан чиқиб кетишим керак деган қатъий қарорга келиб, ҳаяжонимни бирдан босиб олдим. Дастлаб сакрашларни амалга оширдим. Қарасам, Ўзбекистон рейтингда биринчи ўринда турибди.

Бу менга куч, шиддат берди. Демак, ҳаммасини уйдalasа бўлар экан дея ишончим ортди. Бирин-кетин ғалабалар кела бошлади, — дейди чемпион Хусния Олимжоновна. — Энг қийини мусобақанинг сўнгги кунига бўлди. Чарчагандим. Дастлаб 1500 метрга югуриш бўлди. Бир вақтнинг ўзида ҳам сакраш мусобақаси ҳам, узоқ масофага югуришга тўғри келди. Улардан биттасини танлаш керак эди. Мураббийларим ютуқларимдан хурсанд. Уларга иккисига ҳам қатнаша олишимни айтганимда ҳайрон қолишди. Улар мени асраш учун жиддий ўйлаб

қўришимни айтди. Ниҳоят қарорингизни ҳурмат қилимиз дейишди. Ўзимда куч топиб, яна иккита олтин медални қўлга киритдим.

Шу кунларда қаҳрамон қиз оиласи билан бирга. Ютуқ қувончи, ҳаяжон ҳали ҳам уларни тарк этмаган.

— Мусобақага кетганида, тўғриси, медал кутгандим, бироқ бу даражада катта ютуқни ҳаёлимга ҳам келтирмагандим, — дейди Хусниянинг онаси Нигора Сиддиқова. — Улар қайтиши керак бўлган кун турмуш ўртоғим кўнграқ қилиб, телефонини қарагани, деди. Кўрсам, қизим

Хусния бир эмас, икки эмас, нақ 8 та медал олибди. Бу унинг тинимсиз меҳнати, отасининг етолмаган орзуларига фарзандлик жавоби эди. Хусния бу натижага эришишидаги муҳим жиҳат спортчилар шаффоф тизим орқали саралаб олингани, параспорти бўлган эътибордир.

Муваффақиятга эришишда мураббийлар қаторида оиланинг, айниқса, ота-онанинг ҳиссаси бекиёс. Хусниянинг ота-онаси ҳам унинг кучли ва ўзига ишончи юқори бўлишини истаган. Шу боис, улар қизини спорт залига етаклаб борган. Бугун ана шу ҳаракатлар ўз натижасини берди. — Ёшларнинг спортчи бўлиши истаб, жиддий шугулланардим. Кейинчалик жараҳат олиб, спортни ташлашга мажбур бўлдим. Достларим шу соҳадан кетиб, юқори марраларни эгаллашганида, бир оз ҳаффа ҳам бўлардим. Жараҳатлар олмаганимда натижага эришардим дердим. Ийлар ўтиб, Тўмарисдай қизни тарбиялаганимни сездим. У нафақат менинг, балки юртимнинг орини олди. Биласизми, ўғил фарзанд кўрсам, спортчи қиламан деб қутиб-қутиб, тўрт қизли бўлдим. Сўнг фақат ўғил болалар спортчи бўладими дея қизларимни спортга йўналтирдим. Бирин-кетин ютуқларга эриша бошлашди. Кейин ўғил фарзанди ҳам бўлдим, аммо ўшандаги қарорим тўғри экан. Мана, қизларимнинг ҳам, улар сабаб ўзимнинг ҳам ҳаётим тубдан ўзгарди, — дейди Хусниянинг отаси Одил Мирзақулов.

Бугун Хусния Олимжоновна нафақат маҳалласи, балки бутун Ўзбекистон ёшлари учун ирода ва ифтихор тимсолига айланди. Унинг ғалабаси мингларча тендошларига илҳом, юзлаб спортчиларга ишонч бағишламоқда. Қўлга киритилган натижалар ортида эса катта меҳнат, сабр, қатъият ва ватанга бўлган кечкис муҳаббат бор.

— Саксизта олтин медал олиб, Сурхондарёга келган заҳоти битта олтин медалини бўйимга тақди. Кўз ёшимни тийиб тура олмадим. Демак, бекор яшамабман, инсон интилса, йўл ахтараверса, орзулари беиз кетмас экан, — дейди спортчи қизнинг отаси Одил Мирзақулов.

Хусния яшайдиган маҳаллада спортга қизиқиш янада ошди. Унинг ютуғи соғлом

турмуш тарзини омаллаштиришга хизмат қилляпти. Спортда ғалаба фақат натижа билан ўлчанмайди. У инсон иродаси, сабр-бардоши ва мақсадга бўлган ишонч рамзидир. Хусния Олимжонованинг эришганлари Ўзбекистон ёшларининг салоҳияти, параспортига берилаётган эътибор ва келажакка ишончли қадамларнинг ёрқин ифодасидир. Шубҳа йўқки, қаҳрамонимиз каби иродали спортчи ёшлар бор экан, Ўзбекистон байроғи доимо халқаро ареналарда баланд кўтарилмаверади.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ҒАЗЕТАДАГИ
МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЕЗУВИГА
АСОСЛАНГАН
ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА
ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР
QR-КОДНИ
СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун убунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Аксорт ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.
32015 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 02:25 Топширилди — 02:55